

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 10 » февраль 2020 у.

№ 74

Toshkent sh.

**Бинар (иккиталик) химоя тизими асосида талабгорларга
фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини
беришни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан инновацион хусусиятга эга тадқиқотларни янада ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, илмий натижаларни амалиётга тезкор жорий этишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш, ёшларнинг илмий фаолиятга қизиқишларини ошириш ва рағбатлантириш ҳамда илмий фаолият нуфузини кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2020 йилнинг 1 мартидан эътиборан Ўзбекистон миллий университети базасида **бинар (иккиталик) химоя тизими асосида диссертация химоясини ташкил этиш ва илмий даражаларни талабгорларга мустақил бериш амалиёти** тажриба тариқасида уч йил муддатга жорий этилсин.

2. Қуйидагилар:

Бинар (иккиталик) диссертация химояси тизими асосида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Бинар (иккиталик) химоя тизими асосидаги фан доктори (DSc) дипломининг давлат намунаси 2-иловага мувофиқ;

Бинар (иккиталик) химоя тизими асосидаги фалсафа доктори (PhD) дипломининг давлат намунаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон миллий университети тажриба давомида бинар (иккиталик) химоя тизими асосида диссертация химоясини ташкил этади ҳамда илмий даражаларни талабгорларга мустақил беради;

бинар (иккиталик) химоя тизими асосидаги диссертациялар химояси мониторингини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси зиммасига юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2023 йилнинг 1 мартига қадар бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида илмий даражалар бериш тажрибасини эътиборга олган ҳолда мазкур тизимни янада такомиллаштириш ҳамда тўлиқ жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси А.Т. Юсупов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” февралдаги 74 -сон қарорига
1-илова

**Бинар (иккиталик) диссертация ҳимояси тизими асосида
фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий
даражаларини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида илмий ишланма яратган фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражага (кейинги ўринларда фалсафа доктори (PhD) деб аталади) эга талабгорга фан доктори (DSc) ва илмий натижаларни амалиётга татбиқ этган талабгорга фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги диссертация ҳимояси – муайян фан тармоғи бўйича тегишли мавзу юзасидан битта диссертация доирасида инновацион хусусиятга эга бўлган илмий янгиликлар олинган ва уларнинг амалиётга жорий этилиши салмоқли самара берган фалсафа доктори (PhD) илмий даражага эга талабгорга фан доктори (DSc) ва илмий натижаларни амалиётга татбиқ этган талабгорга фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш амалиёти;

бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида тайёрланган диссертация – ўрнатилган тартиба диссертация мавзуси тасдиқланиб, назарий тадқиқотлар ва илмий натижаларини амалиётга жорий қилиш жараёни икки нафар изланувчи томонидан ҳамкорликда ташкил этилган, тадқиқотнинг мазмун-моҳияти белгиланган талабларга жавоб берган, тугалланган ва мазмунан яхлит илмий иш сифатида назарий илмий янгиликлари тизимли равишда асосланган (фан доктори (DSc) учун) ва инновацион илмий янгиликлари амалиётга мақсадли жорий этилган (фалсафа доктори (PhD) учун) қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар.

3. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида диссертация тайёрлаш, уни ҳимоя қилиш ва талабгорларни тегишли равишда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқлаш олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида тайёрланган диссертация қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

муайян фан тармоғи бўйича битта диссертация икки нафар, жумладан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга талабгор ва илмий даражага

эга бўлмаган шахс томонидан тайёрланиши;

тадқиқотнинг илмий натижалари бўйича ихтирога патентлар ёки селекция ютуқлари олиниб, уларнинг амалиётга жорий этилиши ва салмоқли самара олиниши;

илмий натижалар амалиётга жорий қилинган ташкилот томонидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорнинг илмий натижаларни амалиётга жорий этишдаги алоҳида хизматлари ва жорий этишдан олинган (кутилаётган) салмоқли самараси юзасидан хулоса (далолатнома) берилган бўлиши.

5. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида илмий даражаларга талабгорлар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли равишда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари бўйича белгиланган тегишли талабларни бажарган бўлиши шарт.

6. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида тайёрланган диссертация юзасидан олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси семинари, шунингдек, ҳимояси натижасига кўра талабгорларга тегишли равишда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш (бермаслик) тўғрисида ягона қарор қабул қилинади ва мазкур қарор талабгорларга нисбатан тенг қўлланилади.

7. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида диссертация ҳимоясини ташкил этиш ва илмий даражаларни мустақил ҳолда талабгорларга бериш ваколати Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетига (кейинги ўринларда Университет деб аталади) берилади.

2-боб. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида диссертация ҳимоясини ташкил этиш

8. Изланувчилар тадқиқот олиб бораётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси (кейинги ўринларда муассаса деб аталади) кенгашида диссертация мавзуси ва илмий маслаҳатчиси тасдиқланади.

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгор ўз диссертациясининг илмий натижаларини амалиётга татбиқ этадиган фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш бўйича изланувчига илмий раҳбар бўлиши мумкин.

9. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида тайёрланадиган диссертация бўйича илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиб, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун талабгорлар олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг мустақил изланувчилик институтига қабул қилинади. Ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда илмий иш бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида ташкил этилаётганлиги ҳам кўрсатилади.

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизимида тадқиқотчиларнинг шахсий режа

ва назарий-методологик дастур ҳар иккала тадқиқотчи учун алоҳида ишлаб чиқилади, белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда мониторинг қилинади.

10. Диссертация мавзуси ва илмий маслаҳатчиси тасдиқланганидан сўнг Университет кенгашига диссертация мавзусини, изланувчиларни ва илмий маслаҳатчини рўйхатга олиш учун йўлланма хат билан мурожаат қилади.

11. Муассаса тақдим этган ҳужжатлар Университет кенгашида муҳокама қилиниб, диссертация мавзуси, изланувчилар ва илмий маслаҳатчи рўйхатга олинади.

12. Диссертация яқунланганидан кейин иш бажарилган муассаса олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Университет ҳузурида фаолият кўрсатаётган Илмий даражалар берувчи илмий кенгашга мурожаат этади. Мурожаатга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

диссертация ҳимоясини ташкил қилиш ҳақида мурожаат;

изланувчилар тўғрисидаги объектив-маълумотномалар;

изланувчиларнинг олий таълим муассасасини битирганлиги тўғрисидаги дипломлари нусхаси;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси дипломининг нусхаси (фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгор учун);

ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни топширганлиги ҳақидаги гувоҳнома (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор учун);

диссертация бажарилган муассасанинг хулосаси;

диссертация муҳокама қилинган ташкилотлар хулосалари (агар мавжуд бўлса);

изланувчиларнинг диссертация бажарилган муассаса томонидан тасдиқланган илмий ишлари рўйхати, асосий илмий ишлари нусхалари;

илмий маслаҳатчининг тақризи;

фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгор учун фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси диссертацияси автореферати;

илмий натижалар амалиётга жорий қилинган ташкилот томонидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорнинг илмий натижаларни амалиётга жорий этишдаги алоҳида хизматлари ва жорий этишдан олинган (кутилаётган) салмоқли самараси юзасидан хулосаси ва далолатномалари;

диссертация ва диссертация автореферати. Бунда диссертация ва диссертация автореферати фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотига қўйилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Агарда Университетда диссертация ихтисослиги бўйича Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш бўлмаса, у ҳолда диссертация бажарилган

муассасанинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига (кейинги ўринларда ОАК деб аталади) мурожаати асосида ОАК ва Университет кенгашининг қўшма қарори билан бир марталик Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилади ва диссертация ҳимояси белгиланган тартибда ташкил этилади.

13. Диссертациянинг ҳимояси асосида Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш талабгорларни тегишли илмий даражаларда тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилади ва қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида аттестация ишини Университет кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади.

14. Университет кенгашида Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси мазкур аттестация иши бўйича ахборот беради.

Университет кенгаши мажлисида илмий натижалар жорий қилинган ташкилот раҳбари (раҳбар ўринбосари) ва вакиллари иштирок этиши шарт.

Университет кенгашига эксперт сифатида бошқа ташкилотларда фаолият олиб бораётган илмий даражага эга бўлган мутахассислар жалб этилиши ва унинг мажлисида бошқа шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисининг диссертация бўйича ахбороти муҳокамаси натижасига кўра Университет кенгашининг қарори билан талабгорларга тегишли равишда илмий даражалар бериш тўғрисидаги Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг қарори тасдиқланади.

15. Университет кенгаши қарори билан бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқланганларга давлат намунасидаги дипломлар уч иш куни ичида расмийлаштирилади.

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари тўғрисидаги дипломлар Университет ректори ва Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси томонидан имзоланади.

16. Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш белгиланган тартибда илмий даражалари тасдиқланган талабгорларнинг аттестация ишини электрон ҳужжат айланиш тизими орқали ОАКга мониторинг қилиш ва сақлов учун тақдим этади.

17. Университет ҳар йил якуни бўйича 10 январь кунига қадар илмий даражалари тасдиқланган талабгорларнинг диссертация ҳимоялари ва уларнинг натижалари юзасидан ОАКга маълумотнома киритади.

Аттестация ишларининг мониторинги натижалари ОАК Раёсатида кўриб чиқилиб, уларнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қанчалик мувофиқлиги юзасидан тегишли қарор қабул қилинади.

Аттестация ишларининг мониторинги натижалари бўйича ОАК Раёсати томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган асос ва тартибда илмий даражадан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мумкин.

3-боб. Яқунловчи қондалар

18. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида илмий даражаларда тасдиқланган шахслар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

19. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун диссертация ҳимоясини ташкил этишдаги келишмовчиликлар қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

20. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) дипломларини тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини юритиш белгиланган тартибда ОАК томонидан ташкил этилади.

21. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқланганлар тўғрисидаги маълумотлар, жумладан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорнинг илмий натижаларни амалиётга жорий этишдаги алоҳида хизматлари ОАК веб-сайти ва “ОАК Бюллетени” журналида эълон қилинади.

22. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” февралдаги 74 -сон қарорига
2-илова

Бинар (иккиталик) химоя тизими асосидаги
Фан доктори (DSc) дипломининг давлат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири

О‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK
Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan

National University of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek based on the decision of the
scientific council established on the binary system
hereby confers the scientific degree of

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti
huzuridagi binar (ikkitalik) himoya tizimi asosida tashkil
etilgan ilmiy kengashning qaroriga binoan

.....
DOCTOR OF SCIENCES (DSc)
.....

in

FANLARI DOKTORI

to

ilmiy darajasini berdi.

00 № 000000 Date: , , records

00 № 000000 Sana: , , -son bayonoma

Rector

Chairperson of the Scientific
Council awarding scientific
degrees

Rektor

Ilmiy darajalar beruvchi ilmiy
kengash raisi

T a s h k e n t Reg. №
PIN 00000000000000

T o s h k e n t Qaydnom
ShIR 00000000000000

**Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги
фан доктори дипломи**

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фан доктори дипломи яшил-ҳаворанг рангли махсус қоғозда тайёрланган ва 135 x 105 мм ўлчамга эга. Бланка юза томонининг юқори қисмидаги 26 мм ва 24 мм диаметрли кўк рангли концентрик айланаларда 20 мм диаметрли рангли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Пастки қисмида ўзбек тилида лотин шрифтида ва инглиз тилида кўк ҳарфлар билан куйидагилар ёзилган:

**О‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK
Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan**

Бланка ички бетининг чап томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқ сарик фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Инглиз тилидаги матн қора рангли ҳарфларда, дипломнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Бланка ички бетининг ўнг томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқ сарик фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Ўзбек тилидаги матн лотин шрифтида қора рангли ҳарфларда, дипломнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Дипломнинг иккала бетига ҳам диплом сериясининг иккита белгили рақамлари ва диплом тартиб рақамининг олтига белгили рақамлари босилади.

Диплом ҳимоялашнинг 7 та даражасига эга:

- 1) иккита босма методларидан фойдаланиш: асосий қисми – офсет усулида, рақамлари – юқори босма усулида босилади;
- 2) кўпайтириш техникасида нусха кўчиришни қийинлаштирадиган оч тусли бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш;
- 4) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш натижасида янги ранглار ҳосил бўлиши;
- 5) махсус қоғоздан фойдаланиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли тасвири;
- 7) олтига шаклларда ўзгарадиган рақамлардан фойдаланиш.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” февралдаги 74 -сон қарорига
3-илова

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги
фалсафа доктори (PhD) дипломининг давлат намунаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири

О‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK
Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti
Mirzo Ulug‘bek based on the decision of the scientific council established on the binary system
huzuridagi binar (ikkitalik) himoya tizimi asosida tashkil etilgan ilmiy kengashning qaroriga binoan
hereby confers the scientific degree of

DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)

in

..... fanlari bo‘yicha

FALSAFA DOKTORI

to ilmiy darajasini berdi.

00 № 000000 Date: , , records 00 № 000000 Sana: , , -son bayonnoma

Rector

Chairperson of the Scientific
Council awarding scientific
degrees

Rektor

Ilmiy darajalar beruvchi
ilmiy kengash raisi

T a s h k e n t Reg. №
PIN 00000000000000

T o s h k e n t Qaydnoma
ShIR 00000000000000

**Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги
фалсафа доктори дипломи**

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фалсафа доктори дипломи яшил-ҳаворанг рангли махсус қоғозда тайёрланган ва 135 x 105 мм ўлчамга эга. Бланка юза томонининг юқори қисмидаги 26 мм ва 24 мм диаметрли кўк рангли концентрик айланаларда 20 мм диаметрли рангли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Пастки қисмида ўзбек тилида лотин шрифтида ва инглиз тилида кўк ҳарфлар билан қуйидагилар ёзилган:

**O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED AFTER MIRZO ULUG'BEK
Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan**

Бланка ички бетининг чап томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқ сариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Инглиз тилидаги матн қора рангли ҳарфларда, дипломнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Бланка ички бетининг ўнг томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқ сариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Ўзбек тилидаги матн лотин шрифтида қора рангли ҳарфларда, дипломнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Дипломнинг иккала бетига ҳам диплом сериясининг иккита белгили рақамлари ва диплом тартиб рақамининг олтита белгили рақамлари босилади.

Диплом ҳимоялашнинг 7 та даражасига эга:

- 1) иккита босма методларидан фойдаланиш: асосий қисми — офсет усулида, рақамлари — юқори босма усулида босилади;
- 2) кўпайтириш техникасида нусха кўчиришни қийинлаштирадиган оч тусли бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш;
- 4) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш натижасида янги ранглар ҳосил бўлиши;
- 5) махсус қоғоздан фойдаланиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли тасвири;
- 7) олтита шаклларда ўзгарадиган рақамлардан фойдаланиш.

